



ТАШАББУСКОРЛИК, АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШГА ИНТИЛИШ, ИНТИЗОМГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТИШ — БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 9 август кuni Тошкентда жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида мамлакатимизни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини янгилаш, иқтисодий эркинлаштириш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш, давлатимиз раҳбарининг жойларда халқ билан мулоқотлари чоғида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига бағишланган селектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоалоқа орқали Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳокимлари, тармоқлар мутасаддилари иштирок этди.

Йиғилишда Шавкат Мирзиёев ўтган давр мобайнида мамлакатимизни ривожлантиришга қаратилган 20 дан ортқ қонун, Президентнинг 180 дан ортқ Фармони, 450 дан ортқ қарори қабул қилингани ва бу жараён узлуксиз давом этаётганини, ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижросини таъминлашда барча бўғиндаги раҳбарларнинг масъулиятини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, жойларда аҳоли билан ўтказилган учрашувлар, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлар, тармоқлар раҳбарлари ва ҳокимларнинг ҳисоботлари ҳали ҳудудлар билан боғлиқ камчиликлар ва муаммоларга тўлиқ барҳам берилмаганини кўрсатмоқда.

Бунинг асосий сабабларидан бири шу пайтгача марказий органлар ва маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда асосий ижрочи бўлган кўйи бўғин ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик таъминланмаётганидир. Аксарият масъул шахслар фақат яққол кўзга ташланмаган муаммолар ечими ёки юқоридан берилмаган топшириқлар ижроси билан чекиниб қолмоқда. Уларда муаммоларни комплекс ҳал этиш борасида ташаббускорлик сезилмапти.

Яна бир сабаб шуки, марказий идоралар вакилларининг ҳудудларга хизмат сафарлари тегишли тарзда мувофиқлаштирилмаётгани оқибатида уларнинг кўпчилиги бир-бирини такрорлапти. Жойлардаги раҳбарлар марказдан келганлар билан бирга юришга мажбур бўлиб, ўзининг бевосита вазифаларидан қалғимокда.

Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни баҳолашда жойлардаги ҳақиқий аҳолини танқидий таҳлил қилишга етарлича эътибор қаратилмапти. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда улардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари, ҳомаёй ресурслари, ривожланиш даражаси ва эҳтиёжи тўлиқ ҳисобга олинмапти.

Айни пайтда республика ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва тақсимлаш, инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш механизмлари устувор лойиҳаларни манзилли ва ўз вақтида молиялаштиришни таъминламапти.

Шунингдек, кўплаб ташкилот ва идораларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир энг муҳим дастурларни амалга ошириш ўрнига, аксарият ҳолларда фақат йиғилишлар ўтказиш ва пухта йилнамалар қарорлар қабул қилиш, амалий иш қилиб, қорозбозлик билан шуғулланиш ҳолатлари учрапти.

Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёев Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ҳўқимликлар мажлислар сонини кескин қисқартириш, қўриладиган масалаларга бевосита алоқаси бўлмаган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва бошқа муассасалар раҳбарларини тақлиф қилмаслик зарурлигини таъкидлади.

Бош вазир А.Арипов ва Бош прокурор И.Абдуллаевга мажлисбозлик, қорозбозлик ва ҳисоботбозликни кескин камайтириш, давлат идоралари фаолиятида маълумот алмаштиришда замонвий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича ҳукумат қарорини ишлаб чиқиб, ижросини алоҳида назоратга олиш вазифаси юкланди.

Президент Шавкат Мирзиёев жойлардаги аҳолини баҳолаш учун махсус ишчи гуруҳ томонидан саккизта вилоятдаги вазият ўрганиб чиқилгани ва бу жараёнда қатор камчилик ва муаммолар аниқланганини маълум қилди. Хусусан, Сурхондарё, Қашқадарё, Бўҳоро, Жиззах ва Навоий вилоятларининг айрим туманларида ичимлик суви таъминоти борасидаги аҳвол қониқарли эмас. Кўп қаватли уйларнинг томи таъмирталаб, оқова сув тизими ишдан чиққан, уйларнинг атрофини ободонлаштириш суи амалга оширилмоқда.

Барча вилоятлар марказларида иссиқлик таъминоти тизими деярли ишламайди. Аксарият шаҳар ва туманларда электр узатиш тармоқлари ва трансформатор пунктларини капитал таъмирлаш кечикмоқда. Қўшимча суюлтирилган газ, газ баллонлари ва уларни ташийдиган махсус автотранспорт воситаларига эҳтиёж ҳамон катталигида қолмоқда.

Ҳудудларда маиший чикиндиларни тўплаш, ташини, қайта ишлаш, утилизация қилиш ва қўйиш ишлари тизимли равишда ташкил этилмаган. Айрим туманларда ноконуний чикиндихоналар баргараф этилмаган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси даражасида ҳудудларнинг «йўл хариталари»ни амалга ошириш самарадорлигини таҳлил қилиб, давлат ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш, ҳар чорақда давлат раҳбарига ҳисобот бериш тизимини жорий этиш лозим.

Яна бир масала шуки, сектор раҳбарлари ҳисоботларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашиларида тинглаб бориш тизимини жорий этиш керак. Бу уларнинг масъулиятини оширувчи муҳим омил бўлади.

Шу билан бирга, секторлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш, уларнинг фаолиятини, ишининг натижаларини халққа танитиш зарур. Бу масала юзасидан Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига жойлардаги секторлар томонидан амалга оширилаётган ишларни ёритиш учун марказий ва маҳаллий теле ва радиоканалларда алоҳида кўрсатув ва эшиттиришлар, газета ва журналларда алоҳида рухлар ташкил этиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев қатнашчилар эътиборини бугунги кунда мамлакат миқёсида, ҳудудлар ва тармоқларда ҳар чорақ якуни бўйича мажлис ўтказиш амалиёти эскирганига қаратиб, янги концепция ишлаб чиқиш ва амалиётга таъбиқ этиш зарурати юзасига келганлини қайд этди.

Бунда, аввало, ғўқаролар, тадбиркорлик субъектлари томонидан кўтарилган энг долзарб масалаларни ҳал этиш юзасидан аниқ чораларни белгилашга, қўрилаётган чоралар ва эришилган натижаларнинг аҳоли ҳаёти сифатига қай даражада таъсир этаётганига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва жойлардаги муаммоларни ҳал этиш учун давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш масаласи доим диққат марказида бўлиши шарт.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳудудлар, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг ривожланиш ҳолатини ўрганиш бўйича янги механизм жорий этиш учун махсус комиссия тузиш тақлифини билдирди. Унга биноан Бош вазир, Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги зиммасига бошқа масъул муассасалар билан биргаликда бир ҳафта муддатда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини сарҳисоб қилишнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

Мамлакатимизни янгилаш ва ривожлантириш, жумладан, давлат идоралари фаолиятини тақомиллаштиришга доир янги вазифалар, биринчи навбатда, барча раҳбарлардан фидойилик, ташаббускорлик ва қатъий интизомни талаб этади, деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, барча ҳудудларда интизомга риоя этиш масаласи ўрганиб чиқилган ва жойларда қатъий талабчанлик ва назорат таъминланмаётгани, оқибатда ҳўқимликлар ва идораларда интизом, жумладан, ижро ва меҳнат интизоми анча бўшашиб кетгани аниқланган. Хусусан, деярли барча ҳўқимликлар ва кўйи идораларда ҳўкумат қарорлари ижросини ташкил этиш юзасидан ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар белгиланган вазифалар тўлиқ бажарилишини таъминламапти.

Шу муносабат билан давлат органлари ва корхона-ташкilotларда ижро ва меҳнат интизомига қатъий риоя этилиши устидан назоратни қулайтириш, камчиликларга йўл қўяётган раҳбарларнинг масъулиятини ошириш ва ҳўлоса қилмаганига нисбатан кескин чоралар қўриб бориш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Бундан буён талаб, назорат, ўрганиш ва интизом масалалари янада қатъий эътиборда бўлиши керак. Барча даражадаги раҳбарлар фаолияти ва ишининг натижаларига шу мезонлар асосида баҳо берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев йил якунланишига 5 ойдан кам вақт қолганини, бугунги кунда ҳар бир бўғиндаги раҳбарларнинг энг муҳим вазифаси 9 ой ва умуман, 2017 йил учун белгиланган барча прогноз ва мақсадли кўрсаткичлар, дастур ва топшириқлар, айниқса, ҳудудларга сафарлар давомида берилган топшириқлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашдан иборат эканини алоҳида қайд этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини баҳолаш, интизомни мустаҳкамлаш бўйича жорий этиладиган янги тизим раҳбарларнинг масъулиятини ва жаъобгарлигини янги поғонага олиб чиқишига ишонч билдирди, барча раҳбарлар бугун қўрилган масалалардан тўғри ҳўлоса қилиб, ташаббускорлик билан ўз қўли остидаги тармок ё ҳудудни нафақат бугун, балки ўрта ва узоқ истиқболда барқарор ривожлантириш чораларини қўриши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИКА ЙўНАЛИШИДА МАХСУС СИРТҚИ БўЛИМЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Бугунги кунда халқ таълими тизимида жами 15359 та таълим муассасаси, жумладан, 4893 та мактабгача таълим муассасаси, 9680 та умумий ўрта таълим мактаби, 23 та Меҳрибонлик уйи, 304 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 211 та «Баркамол авлод» маркази, 227 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўрта махсус, касб-ҳўнар коллежларини ва билим юртларини битирган 97 564 нафар педагог кадрлар фаолият юритмоқда.

Мазкур таълим муассасаларининг мактабгача, бошланғич, мусиқа, тасвирий санъат, чет тиллари, меҳнат таълими, жисмоний тарбия йўналишлари ва бошқа фанлар бўйича олий маълумотли педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларни тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этишни янада тақомиллаштириш орқали таълим сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳўқимликларининг 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимларни ташкил этиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

2. Педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этиладиган олий таълим муассасалари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига ушбу рўйхатга ўзгаририш ва қўшимчалар киритиш ҳўқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртки бўлимларнинг бакалаврият таълим йўналишларига қабул ўрта махсус, касб-ҳўнар маълумотида ҳамда камида уч йил педагогик амалий иш стажига эга бўлган, мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари эҳтиёжлари асосида тасаруфидида ушбу таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан берилидиган тавсияномага эга педагог кадрлар ҳисобидан амалга ошириладиги;

махсус сиртки бўлимда ўқиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Таълим йўналишлари бўйича битта талабани бир йиллик ўқитиш қийматини аниқлаш белгиланган тартибда амалга оширилади;

махсус сиртки бўлимда ўқитган талабаларга имтиҳонлар, синовлар топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтида уларнинг ойлик маошлари асосий иш жойида сақланган ҳолда бир ўқув йилида икки марта бир ойдан ўқув таълифи берилади. Бунда ўқув таълиплари қоида тариқасида умумтаълим муассасаларидаги қишқи ва ёғзи таътил вақтига тўғри келган даврда берилади ва уларга белгиланган тартибдаги йиллик меҳнат таътиллари бериш тартиби ҳам сақланиб қолади;

талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишда бўлган даврига тўғри келадиган дарс соатлари ўқишга юборган таълим муассасасининг ўқитувчилари (ҳодимлари) томонидан меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари асосида ўтилади;

махсус сиртки бўлим талабалари ўқишга киришда тавсиянома берувчи вазирлик ёки идора, олий таълим муассасаси ва талаба ўртасида ўқишни якунлагандан кейин тавсиянома берган ташкилот йўналмасида кўрсатилган иш жойида (таълим муассасасида) беш йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаб бериш мажбурияти билан уч томонлама шартнома тузилади;

махсус сиртки бўлимларда таълим йўналишлари хўсусиятига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбати қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар асосида белгиланади;

олий таълим муассасасида махсус сиртки бўлим ўқув жараёнини ташкил этишга факультет декани мақомидаги бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига 2017/2018 ўқув йили учун:

олий таълим муассасалари махсус сиртки бўлимларида ўқиш учун тавсиянома берувчи вазирликлар ва идоралар рўйхатини;

мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари эҳтиёжлари асосида вазирликлар ва идоралар томонидан берилган тақлифларни инобатга олган ҳолда махсус сиртки бўлимларга қабул квоталарини;

махсус сиртки бўлимларга қабул қилиш тартиби ва мезонлари ҳамда уч томонлама шартнома шаклини тасдиқлаш ҳўқуқи берилсин.

Келгуси ўқув йилларига қабул квоталари олий таълим муассасалари учун белгиланган тартибда белгиланади.

5. Педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этиладиган олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот бериш сиртки таълим шаклида ташкил этилсин, бунда иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш бакалаврият таълим йўналишининг 2-курсидан (ўқув режалардаги фанлар фарқидан қатъий назар) камида 3 йил муддат эътиб белгилансин.

2017/2018 ўқув йили учун махсус сиртки ва сиртки таълимларда ўқув жараёни истисно тариқасида жорий йилнинг 1 октябридан бошла-ниши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 30 сентябрда:

2017/2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимига 1-курсга талабаларни қабул қилиш юқори савияда ва адолатли ўтказилишини таъминласин;

олий таълим муассасаларининг махсус сиртки бўлимлари ташкил этилган таълим йўналишларининг ўқув режаси ва фан дастурларини тасдиқласин, шунингдек, уларга мувофиқ фанларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимларда дарс беришга юқори салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантирсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланган штатлар ҳадвали, дарамадлар ва харажатлар сметасига тегишли ўзгаришлар киритишни ва улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

7. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети махсус сиртки бўлим таълим йўналишлари бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва дастурлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик адабиётларни яратиш бўйича таянч олий таълим муассасаси эътиб белгилансин ва унинг ҳўзурида педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этилган олий таълим муассасаларининг ўқув-методик фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилинсин.

Қуйидагилар Мувофиқлаштирувчи кенга-шининг асосий вазифалари эътиб белгилансин:

махсус сиртки бўлимлар орқали умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш таълим мазмуни замонвий талабаларга ўйғун ривожлантирилишини таъминлаш ҳамда мазкур жараёнларга илмий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

махсус сиртки бўлимлар ўқув жараёнлари-га илғор хорижий тажриба, замонвий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини тизимли равишда тақомиллаштириб бориш;

махсус сиртки бўлимлар ўқув жараёнларига педагогика соҳаси олимлари ва мамлакатимизнинг етук мутахассислари жалб этилишини ташкил этиш;

педагогика соҳасининг долзарб илмий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган илмий изланишлар, жумладан, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб борилишини мувофиқлаштириш;

педагогик касбининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, жумладан, ёшларни ўқитувчилик касбига йўналтиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

махсус сиртки бўлимлар фаолият олиб бораётган олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, ҳудудлардаги олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил этилган олий таълим муассасалари зарур ўқув ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминланишини молиялаштиришнинг аниқ чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда махсус сиртки бўлимларга қабул қилиш тартиби, мезонлари ҳамда тузиладиган уч томонлама шартнома шаклини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаъадор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳўқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 9 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОР И ХУДУДЛАРНИНГ ЖАДАЛ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР УСТУВОР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Киска давр мобайнида мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида аҳоли учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, шунингдек, ислохотларни амалга оширишда фуқароларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўйбга чиқаришга қаратилган қатор муҳим давлат ва ҳудудий дастурлар, қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Сенаторлар ва депутатлар корпуси, фуқаролар йиғинлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари кенг жалб этган ҳолда, жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳолини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, халқ билан беvosита мулоқотнинг сифат жиҳатдан янги ва самарали шакллари жорий этиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларнинг натижалари мазкур дастурлар ҳамда ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалий рўйбга чиқариш доирасида қабул қилинган 20 дан ортиқ қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 180 дан ортиқ фармонлари ва 450 дан ортиқ қарорларида назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш ҳозирги босқичда қўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишини ташкил этиш ва фаолиятини баҳолашнинг амалдаги тизими олдимизга қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилишга имкон бермапти. Хусусан,

биринчидан, ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти марказий органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг даражаси ҳудудларда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича уйғун фаолиятни таъминламайди. Аксарият ҳолларда уларнинг фаолияти бир марталик хусусиятга эга, алоҳида топшириқларни бажаришдан иборат бўлиб қолган. Бунинг устига, жойларда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш бўйича лозим даражада ташаббус кўрсатишмаяпти;

иккинчидан, ижро этувчи ва вакиллик ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳудудларга хизмат сафарларини самарали мувофиқлаштиришнинг мавжуд эмаслиги амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг такорланишига олиб келмокда, оқибатда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини асосий функционал мажбуриятларини бажаришдан қалғитмокда;

учинчидан, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнини баҳолаш амалиёти жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳолини танқидий таҳлил қилишга асосланмаган, энг асосийси, эришилган иқтисодий кўрсаткичлар аҳолининг ҳаёт сифатига қай даражада ижобий таъсир этаётганлигига қатъий баҳо берилмаяпти. Республика давлат органларининг ҳудудлардан ажралиб қолганлиги ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш даражаси ва талаб-эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, асосланганлиги ва ҳар томонлама пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш имконини бермаяпти;

тўртинчидан, республика ва маҳаллий бюджет маблагларини шакллантириш ва тақсимлаш, инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда бажаришнинг амалдаги механизмлари, биринчи навбатда, энг устувор лойиҳаларни манзилли, ўз вақтида ва мутаносиб молиялаштиришни таъминламайпти;

бешинчидан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим дастурларини амалга ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этиш ўрнига аксарият ҳолларда қўллаб йиғилишлар ўтказилмокда ва уларнинг якуни бўйича чуқур ўйланмаган қарорлар қабул қилинмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган, аҳолини арзон уй-жой ва иш билан таъминлаш, сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда ҳаётини муҳим масалалар кўтарилган бир миллиондан ортиқ муҳожаатлар юқоридан далолат бермокда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш, ишни ташкил этиш, биринчи навбатда, жамоатчилик олдида ҳисобот бериш шакллари ва услубларини тубдан такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, давлат органлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги ҳолатларининг юзга келишига қатъий равишда барҳам бериш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган тадбирлар ва топшириқларнинг ижросини ташкил этишдаги жиддий камчиликларга, шунингдек, қўриладиган чораларнинг қўриладиган натижаларни бермаётганлигига қаратилсин.

Қўрсатилган раҳбарлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг сўзсиз ва самарали амалга оширилиши учун шахсан жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жойларда ишларни ташкил этишнинг қуйдагиларни назарда тутувчи мутлақо янги тизимини жорий қилиш ҳақидаги тақлифлари қабул қилинсин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга (кейинги ўринларда секторлар деб юритилади) бўлиш;

секторлар раҳбарларига ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ташкил этиш ва ҳал қилиш, шу жумладан, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ечиш юзасидан жавобгарлик юклаш ҳамда ваколатлар бериш; ҳудудларни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري ва унинг ўринбосарларига 1-иловага мувофиқ бириктириш;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан парламент назоратининг самарали шакллари жорий этиш; ҳўқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларнинг барвақт олдини олиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан парламент назоратининг самарали шакллари жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашиларига:

ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни тизимли ва ҳар томонлама ўрганиш, умумлаштириш ҳамда ишлаб чиқишга масъул бўлган депутат ва сенаторларни ҳудудларга бириктириш;

тегишли мансабдор шахсларнинг, биринчи навбатда, аҳоли олдида даврий ҳисобот бериш тизимини, уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонларини, шунингдек, юқлатилган вазифаларни лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик чораларини назарда тутган ҳолда, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар, ҳўқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларнинг барвақт олдини олиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши устидан парламент назоратининг самарали шакллари жорий этиш бўйича ишларни ташкил этишнинг намунавий тартибини тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Қуйдагилар секторлар раҳбарларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

биринчидан, уй-жой коммунал ва йўл ҳўжалиги, энергия, сув ва иссиқлик таъминоти, транспорт қатнови, архитектура, арзон уй-жойлар

қуриш, ҳудудларни ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш, намунавий маҳалла ва хўсусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини шакллантириш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

иккинчидан, ижтимоий муҳофазанинг манзиллилиги, истеъмол бозоридан нархларнинг барқарорлиги, ижтимоий соҳа объектлари, энг аввало, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш;

учинчидан, ҳудудларни жадал иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, уларнинг табиий, иқтисодий ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қурилиш тўғалланмаган объектлардан, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми ва ҳудуднинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, жойларда замонавий бозор инфрақурилиш масисини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

тўртинчидан, деҳқон ҳўжаликлари, томорка учун ажратилган ерлардан мақсадли фойдаланиш, мевасабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асарчилик ва бошқа фаолият турларини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишда фермер ҳўжаликларига қўмаклашиш бўйича чоралар қўриш;

бешинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳўқуқбузарликларни айниқса юзга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика қилиш ҳамда уларнинг барвақт олдини олиш бўйича таъсирчан ишларни ташкил этиш;

4. Белгилансинки, секторлар ишини ташкил этиш 2-иловада келтирилган, қуйдагиларни назарда тутадиган Ҳудудлар ва туманлар (шаҳарлар)ни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ишини ташкил этиш схемасига мувофиқ «маҳалла — туман(шаҳар) — вилоят — республика» тамойилига қўра амалга оширилади:

уйма-уй юриш ва аҳоли билан учрашувлар асосида энг қуйи бўғинда — маҳаллада долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар қўриш, туман (шаҳар)ни ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш учун тақлифлар тайёрлаш ва киритиш;

маҳаллаларда аниқланган муаммоларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида туманлар (шаҳарлар)ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «йўл хариталарини» ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш, туманлар (шаҳарлар) халқ депутатлари Кенгаши сессияларида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрини ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш, шунингдек, мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тақлифлар тайёрлаш ва киритиш;

туманлар (шаҳарлар)да аниқланган муаммоларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «йўл хариталарини» ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши сессияларида ҳисобот бериш тизимини жорий этиш, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш, давлат, ҳудудий, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларига тақлифлар тайёрлаш ва киритиш, шунингдек, мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун тақлифлар тайёрлаш ва киритиш;

ҳудудлар «йўл хариталари» амалга оширилишининг самарадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар томонлама танқидий таҳлил ва умумлаштириш ўтказиш, шунингдек, давлат, ҳудудий, шу

жумладан, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида ҳар чораклик ҳисобот бериш тизимини жорий этиш, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш, жойлардаги тизимли камчиликларни бартараф этиш бўйича Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тақлифлар киритиш.

5. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашилари мажлисларида ҳар чоракда секторлар раҳбарларининг ҳисоботлари ҳар бир ҳудудга бириктирилган масъул мансабдор шахслар, депутатлар ва сенаторлар иштирокида эшитилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) Кенгашиларига секторлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишда қуйдаги масалаларга эътибор қаратиш тавсия этилсин:

тегишли даврда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини танқидий баҳолаш;

аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, фермер ҳўжаликлари, ёшларни ташвишга солаётган долзарб муаммоларни, шунингдек, ҳудуднинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган тизимли камчиликларни аниқлаш; ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ва давлат, ҳудудий, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларига киритиш учун тақлифларни муҳокама қилиш.

Ҳисоботларни эшитишга ҳудудларни ривожлантириш жараёнига таъсир кўрсатишининг, шунингдек, секторлар раҳбарлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахслари ҳисоботларини эшитишнинг аниқ тартибини назарда тутган ҳолда, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламентини қайта қўриб чиқиш тавсия этилсин.

6. Секторлар ишининг шакллари ва услубларини, давлат органлари ва таъкилотлари билан ҳамкорлигини, уларнинг ваколатларини, шунингдек, ҳисобот бериши ва фаолиятини баҳолаш тартибини назарда тутадиган Туманлар (шаҳарлар) ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларининг ишларини ташкил этиш тўғрисидаги низоом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Қуйдагилар ҳудудларга бириктирилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري ва унинг ўринбосарларининг асосий вазифалари ва функциялари этиб белгилансин:

ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича секторларнинг ишини, энг аввало, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда орқада қолган туманлар ва шаҳарларда самарали ташкил этиш;

туманлар, шаҳарлар, маҳаллалардаги ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича ишларнинг самарадорлиги ва уйғунлигини таъминлаш мақсадида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан узвий ҳамкорлигини ташкил этиш;

ҳудуднинг ишчанлик муҳити ва ишчанлик фаоллигини таҳлил қилиш, тадбиркорлиқни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қўмаклашиш, шакланган тадбиркорлик маданияти ва маҳаллий аънавалар, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш даражасини инобатга олган ҳолда, ҳудудни ривожлантириш бўйича манзилли амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш аҳолини таҳлил қилиш, амалга ошириладиган тадбирларнинг аҳоли ҳаётининг сифатига таъсир этиш даражасини ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Ҳукумат, республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари даражасида қарор қабул қилишни

талаб этадиган аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

тегишли раҳбарларнинг фаолиятини танқидий таҳлил қилиш якунлари асосида уларни амалдаги раҳбар кадрлар захирасига қўиш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақлифлар киритиш.

8. Белгилаб қўйилсинки:

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ўрганиш ҳудудларга бириктирилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري ва унинг ўринбосарлари томонидан, қоида тарикасида, бир йўла комплекс ўрганиш (3-4 қун давомида) ўтказиш орқали мувофиқлаштирилади;

ҳудудларга бириктирилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري ва унинг ўринбосарлари иш вақтининг учдан икки қисмидан кам бўлмаган даврини жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳолини, шу жумладан, аҳоли билан мулоқот қилиш орқали ўрганишга ажратати.

9. Календарь йилнинг чорак якуни бўйича мажлисларга тайёргарлик қўриш ва ўтказишнинг ҳозирги амалиёти самарасиз ҳамда эскирган деб топилинсин.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини сарҳисоб қилишнинг янгилашган концепцияси 4-иловада келтирилган схемага мувофиқ жорий қилинсин ва қуйдагилар унинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

туман (шаҳар) ва вилоят даражасида, биринчи навбатда, фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, депутатлар ва сенаторлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари томонидан кўтарилган энг долзарб муаммоларни аниқлаш, шунингдек, уларнинг ечими бўйича аниқ чоралар қўриш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, ишбилармон доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари жалб қилиш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари бажарилиши мониторингининг очкилиги ва ҳолисини ошириш;

амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва эришилган кўрсаткичларнинг, айниқса, қишлоқ жойларида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатига реал таъсирини ҳисобга олган ҳолда макроиқтисодий таҳлил ўтказиш;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аҳоли, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият идоралари тақлифлари, аҳоли эҳтиёжларининг ҳар томонлама ва чуқур таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасининг инвестиция (давлат) дастурлари ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини, шу жумладан, жойларда ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилишда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда ҳодимларининг масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини назорат ва мониторинг қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини сарҳисоб қилишнинг янги концепциясини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳолини ўрганишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича комиссия 5-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда секторлар раҳбарлари, давлат органлари мансабдор шахслари ва ҳодимлари ўртада мазкур қарор талабларини тушутириш бўйича ишларни ташкил этсин;

2017 йил 20 августга қадар муддатда жойларда аниқланган муаммо ва камчиликларни ҳар томонлама таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида намунавий «Йўл харитаси»ни ҳамда секторлар раҳбарларининг намунавий иш тартибини ишлаб чиқсин;

бир ой муддатда секторлар раҳбарлари фаолиятининг моддий-техник таъминотини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

2018 йил 1 январга қадар муддатда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини ва бажарадиган ишлар ҳажминини танқидий ўрганиш асосида уларнинг тузилмаси, вазифалари, функция ва ваколатларини оптималлаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

12. Асосий самараси кам, амалий аҳамиятга эга бўлмаган, давлат органлари ва бошқа таъкилотларнинг мансабдор шахсларига керак-сиз маъмурий иш ҳажминини оширадиган ва юқлатилган вазифаларни бажаришдан қалғитадиган идораларро йиғилишларни ўтказиш қатъий тақиқлансин.

Давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига ўтказиладиган йиғилишларга қўриб чиқилмайдиган масалаларга бевосита алоқадор бўлмаган давлат органлари, нодавлат нотижорат таъкилотларининг мансабдор шахслари тақлиф қилиниши ва иштирок этишига йўл қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси кўрсатилган талабларнинг қатъий бажарилиши устидан лозим даражада мониторинг олиб борилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда коллегиял йиғилишлар ўтказиш заруратини асословчи аниқ мезонларни, уларда иштирок этувчи шахслар доирасини белгилашни, шунингдек, йиғилишлар якунларининг натижадорлигига талабларни назарда тутган ҳолда, барча даражаларда йиғилишларни ташаббус қилиш, унга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқароларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати (Т.Худайбергенов) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда:

секторлар раҳбарларининг фаолиятини уларга юқлатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши юзасидан доимий мониторинг қилишни, ҳудудларнинг ривожланиш аҳолидаги реал ўзгаришлардан ва бошқа ҳаққоний мезонлардан келиб чиқиб, уларнинг фаолиятини ҳолисо баҳолашни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чоракда алоҳида ўрнатқўрсатган секторлар раҳбарлари, давлат органларининг мансабдор шахслари ва ҳодимларини рағбатлантириш ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун уларни лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортиш бўйича тақлифлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда уч ой муддатда танқидий таҳлил асосида Республика ва маҳаллий бюджет маблагларини шакллантириш ва тақсимлаш, инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг самарали ҳамда шаффоф механизмларини жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари У.С.Исмаилов, В.А.Голишев, Т.А.Худайбергенов, О.Б.Муродов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДКОРЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «ИЛҲОМ» ЖАМОАТ ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимиз ҳаётида, ёш авлоди Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда маданият, санъат ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз ижодкор зиёлиларининг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда зарур шароит ва имконият яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги Рассомлар ижодий бирлашмаси (кейинги ўринларда — Ўзбекистон Рассомлар ижодий бирлашмаси), Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Рассомлар ижодий бирлашмаси, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондини (кейинги ўринларда — Фонд) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Куйдагилар Фонднинг асосий вазифалари этиб белгилансин: Ўзбекистонда маданият, санъат ва журналистикани ривожлантириш учун маблағ ажратиш ва йўналтириш, бу борада тегишли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасини моддий таъминлаш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш; мазкур уюшмалар аъзолари бўлган ва соҳани ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган фахрийларга манзилли моддий ёрдам кўрсатиш;

Фонд томонидан молиялаштириладиган муассасаларнинг моддий-техник базасини изчил мустаҳкамлаб бориш, унинг тасарруфидаги мулкни бошқариш, Фонд уставида белгиланган вазифаларни амалга оширишда маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Кейинги пайтда мамлакатимизда ҳаётимизнинг энг муҳим соҳа ва тармоқлари ривож бўйича билдирилган, кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланган амалий таклиф ва лойиҳаларни изчил, вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича самарали тизим шаклланиб, муваффақиятли фаолият кўрсатётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бунинг амалий тасдиғини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувида маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича илгари сурилган фойдаланиш ва ташаббуслар, Президентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар билан мустаҳкамлаб, аниқ ҳуқуқий норма ва қоидалар сифатида ҳаётга жорий этилаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ана шу учрашувда мамлакатимиз ижодкор зиёлиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш ҳақида ҳам долзарб вазифалар белгиланган эди. Уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан яна бир муҳим ҳужжат — «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор имзоланди.**

Қарорда мамлакатимизда маданият, санъат ва журналистикани ривожлантиришни маблағ билан таъминлаш, ушбу йўналишларда тегишли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш «Илҳом» жамоат фондини асосий вазифаси сифатида белгиланганлиги жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки шу пайтгача Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасини моддий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш, мазкур уюшмалар аъзолари бўлган ва соҳани ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган фахрийларга аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш сингари масалаларда муаммолар мавжуд эди. Мазкур Фонд ташкил

3. Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондини Хомийлик кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондини ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Фонднинг Хомийлик кенгаши томонидан лавозимга тайинланган ва озод қилинадиган ижрочи директор раҳбарлик қиладиган Ижроия дирекция Фонднинг ижро органи ҳисобланади.

Фонднинг Хомийлик кенгаши раисига Фонд томонидан молиялаштирилган муассасалар раҳбарларининг таклифлари асосида, зарур ҳолларда ушбу муассасалар тузилмасига, ходимларнинг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Фонднинг Хомийлик кенгаши (А.Н.Арипов):

Фонд даромад ва харажатлари бўйича прогноз кўрсаткичларни ҳар йили тасдиқласин;

Фонд маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгиласин ва тасдиқласин;

Фонд зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини, шунингдек, хомийларни жалб этсин;

Фонд Ижроия дирекциясининг даромадлари, харажатлари асосли экани ва маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича фаолияти тизимли назорат қилинишини таъминласин.

5. Куйдагилар Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Фондга Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмаси ҳудудий бўлимларининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари (субсидиялар);

Фонд ихтиёрига ўтказиладиган ижод уйлари ижарага бериш ва Фонднинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия маблағлари; қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Ўзбекистон «Махалла» хайрия жамоат фондини Фонд ҳисоб-қамига 7 миллиард сўмни хайрия асосида ўтказиш тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Олий суднинг Фондга ноқонуний йўл билан топишган ва мусодара этилган даромадлар ҳисобидан 13 миллиард сўм йўналтириш тўғрисидаги ташаббуслари маъқуллансин.

7. Белгилансинки, Фонд томонидан молиялаштирилган муассасалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби Фонднинг Хомийлик кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўрнатилади.

8. Фонд ва у молиялаштирадиган муассасалар 2022 йил 1 январга қадар барча солиқлар, шунингдек, давлат мақсадли фондларига мажбурий тўловлардан озод қилинсин.

Ушбу имтиёзлар тақдим этилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар фақат Фонд зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Бадий академиясининг Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Сойлик қишлоғи манзили бўйича жойлашган «Оқтош» ижод уйи Фонд томонидан молиялаштирилган ижодий уюшмалар ва бирлашмалар аъзоларининг тўлақонли дам олиш учун шароитлар яратиш мақсадида Фонд бошқарувига ўтказилсин.

Фонднинг Ижроия дирекцияси Фонд бошқарувида ўтказиладиган мулкдан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 9 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

20 миллиард сўм маблағ ўтказиб берилиши ижодий муассасалар фаолиятини янада яхшилаш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган.

Фонд томонидан молиялаштирилган муассасалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби Хомийлик кенгаши томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўрнатилиши белгиланган. Фонд ва у молиялаштирадиган муассасалар 2022 йил 1 январга қадар барча солиқлар, шунингдек, давлат мақсадли фондларига мажбурий тўловлардан озод қилинади, бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар фақат Фонднинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Қарорда Фонд томонидан молиялаштирилган ижодий уюшмалар ва бирлашмалар аъзоларининг тўлақонли дам олиш учун шароитлар яратиш масаласи ҳам инобатга олинган. Шу мақсадда Ўзбекистон Бадий академиясининг Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Сойлик қишлоғида жойлашган «Оқтош» ижод уйи Фонд бошқарувида ўтказилиб, бу ерда барча ижодий уюшма ва бирлашмалар аъзоларининг тўлақонли дам олиш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши белгиланган.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасининг ҳудудий бўлимларида фаолият кўрсатётган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш учун Фондга давлат бюджетдан маблағлар (субсидиялар) ажратиш ҳам қарорда алоҳида таъкидланган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Рассомлар ижодий бирлашмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва Журналистлар ижодий уюшмасининг фаолиятини ривожлантириш, ушбу соҳалар вакилларини моддий ва маънавий жаҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга муносиб иш ва дам олиш шароитлари яратиш беришни таъминлаш бора-бора янги имкониятлар очиб бериши билан улкан аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, ёшларга замонавий билимларни бериш орқали уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, ёшларга сифатли таълим бериш асосида уларни интеллектуал, эстетик ва жисмоний баркамол ривожлантириш, уларга таълим ва тарбия бераётган ўқитувчиларнинг юқори малакага эга бўлишини таъминлаш билан боғлиқ муҳим йўналишлар белгилаб берилди.

Бугунги шиддат билан ривожланган глобаллашув замонида ёшларимизни ёт ғоялардан асраш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, фан, техника ва технологияларнинг замонавий ривожланиш даражасига мос билим бериш орқали уларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда таълим муассасалари ўқитувчиларининг ўрни бекибдир.

Ҳозирги кунда ўқувчи ёшларимиз республикамизда фаолият олиб бораётган 15359 та таълим муассасаси, жумладан, 4893 та мактабгача таълим муассасаси, 9680 та умумий ўрта таълим мактаби, 23 та Меҳрибонлик уйи, 304 та болалар музика ва санъат мактаби, 211 та «Баркамол авлод» маркази, 227 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида таълим-тарбия олмақда. Ушбу таълим муассасаларида ўрта махсус, касб-хунар коллежларини олдинги йилларда битирган 97564 нафар ўрта махсус маълумотли ўқитувчи фаолият юритмоқда. Ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар Қашқадарё вилоятида 13048 нафарни, Сурхондарё вилоятида 9447, Самарқанд вилоятида 8907, Қорақалпоғистон Республикасида 4835, Тошкент вилоятида 5004, Наманган вилоятида 4653, Хоразм вилоятида 4192, Андижон вилоятида 4260, Бухоро вилоятида 3366, Жиззах вилоятида 1871, Фарғона вилоятида 2048, Навоий вилоятида 1282 нафарни ташкил қилади.

Умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган 112261 нафар бошланғич таълим ўқитувчисининг 41718 нафари (37,2%) ўрта махсус маълумотли. Жумладан, бошланғич таълим ўқитувчиларининг Қашқадарё вилоятида 9014 нафари (62,1%), Сурхондарё вилоятида 6035 нафари (53,2%), Қорақалпоғистон Республикасида 3144 нафари (41,4%), Самарқанд вилоятида 5551 нафари (42,7%) ўрта махсус маълумотли кадрлар саналади.

Мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган жами 57974 нафар педагог ҳодимнинг 36305 нафари (63%) ўрта махсус маълумотга эга.

Шу муносабат билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори олий таълим тизимиде умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун замонавий ўқитиш усулларини эгаллаган ўқитувчиларни тайёрлаш орқали ушбу муассасаларда таълим-тарбия сифатини ошириш, уларда дарс бераётган ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларнинг олий маълумот олиш имкониятларини кенгайтириш учун зарур шароитлар яратишни назарда тутди.

Қарорга қўра, таълим муассасаларининг мактабгача, бошланғич, музика, тасвирий санъат, чет тиллари, меҳнат таълими, жисмоний тарбия йўналишлари ва бошқа фанлар бўйича олий маълумотли ўқитувчи ва тарбиячиларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш билан бир қаторда педагогик фаолият олиб бораётган ўрта махсус маълумотли ёшларнинг олий маълумот олиш имкониятларини кенгайтиради. Бу, ўз навбатида, педагогик касбининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, жумладан, ёшларни тизимли асосда ўқитувчилик касбига йўналтиришга хизмат қилади.

Мазкур қарор мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш, ёшларимизнинг маънавий баркамол, билимли, интеллектуал ривожланган бўлиб улғайишларини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларга янги куч бағишлайди.

бўлимларнинг бакалаврият таълим йўналишларига қабул мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари эҳтиёжлари асосида ўрта махсус маълумотга ҳамда камда уч йил педагогик амалий иш стажига, шунингдек, ушбу таълим муассасаларининг идоравий бўйсунувида мувофиқ тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлган педагог кадрлар ҳисобидан амалга оширилади.

Қарорнинг эътиборли жиҳатларидан яна бири махсус сиртқи бўлим талабаларига қатор имтиёзлар берилиши билан боғлиқ. Жумладан, сиртқи бўлимда ўқиётган талабаларга имтиҳонлар, синовлар топириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтида уларнинг асосий иш жойида ойлик маошлари сақланган ҳолда бир ўқув йилида икки марта бир ойдан ўқув таътили берилади. Бунда ўқув таътиллари, қоида тариқасида, умумтаълим муассасаларидаги киши ва ёғи таътил вақтига тўғри келган даврда берилади ва уларга белгиланган тартибдаги йиллик меҳнат таътилларини бериш тартиби ҳам сақлаб қолинади.

Махсус сиртқи бўлимга қабул қилишда тавсиянома беришчи вазирлик ёки идора, олий таълим муассасаси ва талаба ўртасида ўқишни яқунлагандан кейин тавсиянома берган ташкилот йўлланмасида кўрсатилган иш жойида (таълим муассасасида) беш йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаб бериш мажбурияти билан уч томонлама шартнома тузилиши назарда тутилган.

Ушбу қарорда педагогика йўналиши бўйича махсус сиртқи бўлимлар ташкил этиладиган олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот бериш сиртқи таълим шаклида ташкил этилиши, бунда иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш бакалаврият таълим йўналишининг 2-курсида (ўқув режалардаги фанлар фарқидан қатъий назар) камидан 3 йил муддат этиб белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, 2017/2018 ўқув йили учун махсус сиртқи ва сиртқи таълим шаклидаги ўқув жараёни, истисно тариқасида, жорий йилнинг 1 октябидан бошланади.

Қарорга мувофиқ, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети махсус сиртқи бўлим таълим йўналишлари бўйича малака талаблари, ўқув режалари ва дастурлари, ўқув ва ўқув-методик адабиётларни яратиш бўйича таянч олий таълим муассасаси этиб белгиланди. Унинг ҳузурида педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимлар ташкил этилган олий таълим муассасаларининг ўқув-методик фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолият юритади. Шунингдек, қарорда Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг педагог кадрлар тайёрлаш мазмунини замонавий талабларга ўйин ривожлантириш таъминлаш билан боғлиқ асосий вазифалари белгиланганлиги белгиланди.

Тегишли вазирлик ва идораларга 2017/2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимига 1-курс талабаларини қабул қилишни юқори савияда ва адолатли ўтказишни таъминлаш, таълим йўналишларининг ўқув режа ва фан дастурларини тасдиқлаш, уларга мувофиқ фанларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш чораларини кўриш топирилиши.

Шунингдек, педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимларда дарс бериш учун юқори салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш билан боғлиқ алоҳида вазифалар қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши умумтаълим мактаблари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг юқори малакали педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш билан бир қаторда педагогик фаолият олиб бораётган ўрта махсус маълумотли ёшларнинг олий маълумот олиш имкониятларини кенгайтиради. Бу, ўз навбатида, педагогик касбининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, жумладан, ёшларни тизимли асосда ўқитувчилик касбига йўналтиришга хизмат қилади.

Мазкур қарор мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш, ёшларимизнинг маънавий баркамол, билимли, интеллектуал ривожланган бўлиб улғайишларини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларга янги куч бағишлайди.

